

01-29483-son

18 iyun 2025 yil.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Нурота туман ҳокими
А.И.Файзиев

Нурота туман ҳокимлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг
коррупцияга қарши курашиш

ДАСТУРИ

No	Коррупциявий хавф-хатарни миниммаллаштириш бўйича чоралар (тадбирлар), тартиб-таомиллар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
1	Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ- 419-сонли, 08.08.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори ижросини таъминлаш.	Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли, 08.08.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябдаги 595-сонли қарори талаблари ва мазмун мохияти билан тўлиқ таништириш. Ҳокимият аппарат ходимлари хизмат вазифаларини бажариш жараёнида мансаб ваколатимни суистемол қилмаслиги, коррупцияни олдини олиши, ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этилиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тилхатлар олиш.	2025 йил доимий 2025 йил июнь	Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Коррупцияга қарши ички назорат қилиш бўйича масъул

2	Ҳокимлик аппаратида юзага келаётган қонунбузилиш ҳолатлари ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш сабаб ва шарт-шароитларини аппарат йиғилишларида муҳокама қилиш тартибини йўлга қўйиш.	Туман ҳокимлигида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш юзасидан ходимлар ўртасида кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама қилиб бориш.	2025 йил ҳар чорак якунида	Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Коррупцияга қарши ички назорат қилиш бўйича масъул
3	Коррупция хавфларига энг кўп дучор бўладиган йўналишлар ва лавозимлар реестрини ишлаб чиқиш.	Ўрганишлар натижалари бўйича туман ҳокимлигида коррупция хавф-хатарига энг кўп дучор бўладиган фаолият йўналишлари ва лавозимлар, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари) реестрини шакллантириш; Реестрга киритилган йўналиш ва лавозимлар, шунингдек, уларнинг функциялари бўйича коррупция хавф-хатарларини минималлаштириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни белгилаб олиш.	2025 йил ҳар чорак якунида	Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Коррупцияга қарши ички назорат қилиш бўйича масъул
4	Фуқаролар томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини кенгайтириш.	Туман ҳокимлиги фуқароларнинг коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи “Ишонч телефон” рақамларини ишга тушириш.	2025 йил июль	Коррупцияга қарши ички назорат қилиш бўйича масъул
5	Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича тизимли ва манзилли тадбирларни амалга ошириш.	Ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш.	2025 йил доимий	Коррупцияга қарши ички назорат қилиш бўйича масъул Ёшлар агентлиги туман раҳбари
6	Коррупцияга қарши курашиш юзасидан ОАВ билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш.	Коррупцияга оид хабарларни кўриб чиқиш ва жамоатчиликка маълумот бериш тартиби ва муддатларини аниқ белгилаш.	2025 йил доимий	Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

7	Коррупция давлат ва жамият тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлигини аҳоли ва давлат хизматчилари онгига сингдириш.	Коррупцияга қарши курашиш асослари ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий асослар билан таништириш ишларини олиб бориш; коррупциянинг жамият ва давлат учун ижтимоий хавfli хусусиятлари ва оқибатларини кенгтарғиб қилиш; давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	Доимий	Коррупцияга қарши ички назорат қилиш бўйича масъул Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари
---	--	---	--------	--